

**Корхоналар ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий  
таърифи**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 25766 тани ташкил қилиб, шундан 25372 таси ёки 98,5 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5565 та (21,6 фоизи), саноат 5302 (20,6 фоизи), қурилиш 2075 та (8,1 фоизи), ахборот ва алоқа 1045 та (4,1 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1381 та (5,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>25 766</b>	<b>100,0</b>	<b>25 372</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 381	5,4	1 359	5,4
саноат	5 302	20,6	5 252	20,7
қурилиш	2 075	8,1	2 052	8,1
савдо	5 565	21,6	5 467	21,5
ташиш ва сақлаш	1 032	4,0	1 016	4,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 135	4,4	1 122	4,4
ахборот ва алоқа	1 045	4,1	1 030	4,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	595	2,3	587	2,3
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7 636	29,6	7 487	29,5

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 86,1 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 36,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,8 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 48,2 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 октябрь ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-сентябрда жами 2883 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2687 та). Уларнинг асосий қисми Фарғона шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (20,2 фоизи), Қўқон шаҳар (13,9 фоиз), Марғилон шаҳар (10,4 фоиз), Бувайда тумани (5,9 фоиз), Қува тумани (5,9 фоиз), Учкўприк (4,7 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 32,1 фоизи саноат, 22,7 фоизи савдо ва 7,8 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 980 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 192 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 19,6 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

